ИНСОНЛАР САДАФИ ҲИММАТИДАНДУР

Райхон Расулова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада инсонлар орасида сайқалланиб бориши зарур бўлган хислатлар, бугунги кун ёшлари тарбиясида учраб турадиган нуқсонлар хусусида Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр”, “Ҳайрат ул-аброр” асарларига мурожаат қилиб, мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.

Калит сўз ва иборалар: комил инсон, ҳис-туйғу, ҳиммат, ҳикмат, пок севги, садаф, шарқ адабиёти, бадиий-эстетик мақсад, манавият, тўғрилик .

Raykhon Rasulova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The paper is written about important values and defects in relationships among today's youngsters based on examples from "Hayrat-ul abror" and "Lisonut-tayr" by A. Navoiy.

Keywords: perfect man, emotion, generosity, wisdom, pure love, pearl, oriental literature, artistic-aesthetic purpose, spirituality, correctness.

КИРИШ

Инсоният пайдо бўлибдики, ўзидан кейинги авлодни тарбиялаб бориш ва бунинг натижасида ҳаётига мазмун-маъно олиб кириш ҳақида ўйлайди. Ҳаёт эса тинимсиз ҳаракатни талаб етади ва бир текис кечмайди. Турмуш йўлларида турли-туман довонларга дуч келади ва улардан ошиб ўтиш йўлларини ўйлайди. Бу жараёнда ҳалол ва покиза туйғули инсонларгина ҳаётдан завқ ола билиши ва ўзгаларга ҳам гўзаллик ифорларини таратиши мумкин. Завқланиб яшаш омилларини ўзгалар ҳаётига мазмун-маъно олиб киришда деб билгувчилар эса абадий барҳаётдир. Алишер Навоий ўз ҳаёт йўли билан намуна бўлибгина қолмай, адабиёт аталмиш сирли-сеҳрли восита билан кишилик тарихида жуда бебаҳо из қолдирган. Бу инсон мазкур бебаҳо воситани доимо янгилаб ва, шунинг баробарида, ўзининг кўнгил кўйларига мос янги оҳанглар олиб кириб сайқаллаб борди. Бадиий асарларида нарса-ҳодисаларни жонли тасвирлаш, ҳис-туйғу ва кечинмаларни ёркин ифодалашда туркий тил имкониятларидан кенг фойдаланиб чин инсонийлик бурчини бот-бот исботлаб берди. Шарқ адабиётида Алишер Навоий асарлари ҳикматга бойлиги, тафаккур

меваларининг бисёрлиги ва бебаҳолиги билан ажралиб туради. Бугунги кунимиз учун, замондошларимиз учун, ёш авлод учун зарур дурдоналар дейишимиз ўринлидир. Биргина “Лисонут-тайр”асари мазмунида бунинг ёрқин исботини топиш мумкин.

АДАБАЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Алишер Навоийнинг фалсафий, ахлоқий, маънавий оламидан хабардор бўлиш, бугунги ўқувчи учун беқиёс ҳикматдир. Кишилик қисматидан, ҳаётдан шундай мазмунли ҳикматлар-маънавий кашфиётлар яратадики у барча замонлар китобхони учун оҳорли фикрлар бўлиб мангу яшайди.

Ҳозирги одамлар ,айниқса, ёш авлод орасида ташқи гўзалликка қараб баҳо бериб ва бунга муккасидан кетганлар кўплаб топилади. Буюк ахлоқ отаси Алишер Навоий ёшларга қарата,

Одам ўлғон зеби зоҳирдин демас,
Кимки ондин фахр этар,одам эмас.
Зеби зоҳир жуз тамасхур келмади,
Кимсага ондин тафохур келмади.

“Ҳар бир ўзини одам ҳисоблайдиган инсон ташқи гўзалликка интилмаслиги керак. Ташқи гўзаллик билан фахрланадиган киши одам эмасдир.Одамлар бундай кишиларни масхара қиладилар. Ташқи гўзаллик кишиларга шон-шараф келтирган эмас”,- деган мурожаати барча замонларда ўз кучига эга.

Ҳуснларига, ақлига юксак баҳо берувчилар учун:

Худпарастесен, ўзунгнинг ошиқи,
Худписандесен- мазаммат лойиқи.

Ҳар бир ўзига ошиқ бўлган кимса, ўзига сиғинадиган зот, ўзини ўйлайдиган худбиндир. Бу билан у ўзини тубанликка тортадур, деб хулосалайди ва инсоний бахтни шахс вафодорлигида деб билади. Агар инсонда вафо бўлмаса бу шахс фожиасидир деб билади.

Одами бўлса вафо андин йироқ,
Ит вафо бобида андин яхшироқ.

Халқимизнинг ит садоқати- вафоси ҳақидаги қарашларидан ўринли фойдаланган муаллиф вафосиз кишиларга қарата зарба берган.

Алишер Навоий инсон ўзига тўғриликни одат қилмоғи ҳақида сўз юритаркан, турли нарса ва ҳодисаларнинг, кундалик турмушда жуда кўп буюм

ва жиҳозларнинг тўғри ва эгри хусусиятларини солиштиради. “Ҳайрат ул-аброр” достонидан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ҳар кишиким, тузлук эрур пешаси,
Кажрав эса чарх не андешаси.

Йўл неча туз, йўлчиға мақсад қариб,
Хамлиғидин тушса йироқ йўқ ажиб.

Най туз учун истар ани аҳли ҳол,
Чун туз эмас, эгри кўрар гўшамол.

Найза бўлиб тузлигидин сарбаланд,
Чирмош учун бандға қолиб каманд.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳар ким ўзига тўғриликни одат қилгандан кейин чархнинг тескари айлангани билан унинг нима иши бор?! Ернинг эгрилиги ўқ тўғри учганлиги учун зарар қилолмайди. Йўл қанча тўғри **б**ўлса, мақсад шунча яқин, йўл эгри **б**ўлса мақсад узоқлашганидан ажабланиш ўринсиз. Най тўғри бўлгани учун сўфийлар уни яхши кўришади, эгри бўлса қулоғидан буралади. Найза тўғри **б**ўлганидан доим боши юқори, арқон эса чирмош бўлгани учун боғлашга ишлатилади.

Тўғри йўлдан юриш бугунги кунда ҳам зарур масала бўлиб бормоқда.

Ҳиммати баланд инсонлар ҳақида эса, феълида ҳам шунга яраша иззат-мартаба топишини уқтиради. “Агар ҳиммат бир гавҳар **б**ўлса, инсонни садаф деб ҳисобла, бу садафга асл шараф ўша гавҳар туфайлидир. Агар кишида ҳиммат бор **б**ўлса, унга тахт ва амалнинг кераги йўқдир, мол-мулк ҳам унинг **к**ўнглига ёқмайди. Ҳиммати унинг катта давлатидир. Чунки ҳимматли киши барча ишларни бажара олади. Ҳиммати эр кишини эътиборли қилади, мансаб, мулк ва хазинанинг дахли йўқдир. Ҳиммати йўқ киши ақлли кишилар орасида обрў- эътибор топа олмайди. Кимки ҳиммат егаси **б**ўлса, бу хислат унга иқбол келтиради. Агар шоҳга паст ҳиммат берилган бўлса, бундай шоҳ ҳимматли гадодан мағлубдир. Инсонлардаги гўзаллик ҳиммат туфайлидир, ёмон нафснинг жазоси ҳам ҳимматдандир”.

Бу каби мисолларда Алишер Навоий мисралари инсоният учун бебаҳолиги яна бир карра исботланган. Одамийлик мулкининг чўққисига

айланиб бораверишни кўрсатиб берилган. Буюк мутафаккир ижоди ранг-баранглиги билан барчани ҳайратга солиб келмоқда. Сўзлар уммонидан сараланган дур-у маржонлари билан ,нафақат, шеърият чаманини, балки ҳикматлар шодасини ҳам тақдим этиб қолдирди. Буларга: Кишининг одоби унинг бойлигидан яхшидир.

Охират савоби дунё роҳатидан яхшидир.

Тил зарбаси-тиш оғриғидан кучлироқ.

Кўп тоатдан-оз маърифат яхши,

ақлли душман ахмоқ дўстдан яхшироқдир.

Ёмон дўст- шайтондир.

Сени ёмонликка бошлаган киши душманингдир.

Тил сукути- инсон саломатли.

ХУЛОСА

Кимки кўнглини қаттиқ сўз жароҳатлар экан, унинг аччиқ тили заҳарли найзадек санчилади. Мулойим сўз- ваҳшийларни улфатга айлантиради, сеҳргар- оҳанг билан афсун ўқиб илонни инидан чиқаради. Кўп бемаза сўзлайдиган эзма- кечалари тонг отгунча тинмай ҳурадиган итга ўхшайди. Тили ёмон одам- халқ кўнглини жароҳатлайди, ўз бошига ҳам етказади. Бу каби турфа ва пурмаъно ижод том маънодаги маънавий хазинамиз сарчашмасидир. Биз ундан қанчалик кўп фойдаланмайлик, маънавий озуқамиз қайнаб чиқаверади ва кўнгиллар ўзанини бойитиб, бар ҳаётяшайверади.

REFERENCES

1. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. (2010). Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр.
2. Sirojiddinov Sh. O‘zbek mumtoz adabiyotining falsafiy sarchashmalari. – T.: YAngi asr avlodi, 2011.
3. O‘zbek mumtoz adabiyoti namunalari / Majmua. (1-2–jildlar) Tuzuvchi, izoh va sharhlar muallifi: N.Rahmonov. – T.: Fan, 2005, 2007.
4. Rahmonov N. O‘zbek adabiyotini davrlashtirish masalalari. Monografiya. – T.: “Mumtoz so‘z”, 2016.
5. Hojiahmedov A. Mumtoz badiiyat malohati. – T.: SHarq, 1990.
6. Is’hoqov Yo. So‘z san’ati so‘zligi. – T.: O‘zbekiston, 2014.
7. Milliy uyg‘onish davri o‘zbek adabiyoti. Darslik – T.: Ma’naviyat, 2014.
8. Adizova I. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi. O‘quv qo‘llanma. –T.:2006.
9. S. Ahmedov, B.Qosimov, R. Qo’chqorov, Sh. Rizayev. Umumiy o’rta ta’lim maktablari uchun 5-sinf darsligi.